

**Росулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаждаги
зуҳдларидан намуналар**

﴿ نماذج من زهد النبي صلى الله عليه وسلم في الحج ﴾

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]

Абдуллоҳ Шариф

Нашрга тайёрловчи: Шамсиддин Дарғомий

2009 - 1430

islamhouse.com

﴿ نماذج من زهد النبي صلى الله عليه وسلم في الحج ﴾

« باللغة الأوزبكية »

عبد الله شريف

تحرير: شمس الدين درغامي

2009 - 1430

islamhouse.com

~2~

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ .

الحمد لله رب العالمين والعاقبة للمتقين والصلاة والسلام على خير خلقه محمد وعلى آله وصحبه
أجمعين أما بعد:

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ. Ҳурматли мўъмин биродарлар! Бу дарсимизда, Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳажда умматлари учун, кўрсатган гўзал намуналаридан бири зоҳидликлари ҳақида баҳс юритамиз. Имоми Бухорий “саҳиҳ”ларида “фатҳ” сурасининг иккинчи оятини бир бобга ном қилиб, сўнг бу боб остида Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг ибодатларини зикр қиладилар. Айтадиларки:

باب لِيَغْفِرَ لَكَ اللَّهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِكَ وَمَا تَأَخَّرَ وَيُتِمَّ نِعْمَتَهُ عَلَيْكَ وَيَهْدِيكَ صِرَاطًا مُسْتَقِيمًا

Токи Оллоҳ сизнинг гуноҳингиздан илгари ўтган ва кейин келадиганларини мағфират қилиб бериб, сизни тўғри йўлга ҳидоят қилиши учун – деган боб.

عن الْمُغِيرَةَ يَقُولُ قَامَ النَّبِيُّ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - حَتَّى تَوَرَّمَتْ قَدَمَاهُ فَقِيلَ لَهُ غَفَرَ اللَّهُ لَكَ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِكَ وَمَا تَأَخَّرَ قَالَ « أَفَلَا أَكُونُ عَبْدًا شَكُورًا

Муғира бин Шўъбадан ривоят қилинади, у зот айтадиларки: Росулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам икки оёқлари ёрилиб кетгунга қадар қиёмуллайл намозини (кечаси саҳардан аввал ўқиладиган нафл намоз) ўқирдилар, у кишига "Оллоҳ ўтмиш ва келажак гуноҳларингизни мағфират қилган бўлса, намунча ўзингизни қийнамасангиз" дейилди, шунда у зот бу неъмат учун шукр қилувчи банда бўлмаيمانми? дедилар.

Оиша розиёллоҳу анҳодан келган ҳадисда айтадилар:

وَعَنْ عَائِشَةَ - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا - أَنَّ نَبِيَّ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - كَانَ يَقُومُ مِنَ اللَّيْلِ حَتَّى تَتَفَطَّرَ قَدَمَاهُ فَقَالَتْ عَائِشَةُ لِمَ تَصْنَعُ هَذَا يَا رَسُولَ اللَّهِ وَقَدْ غَفَرَ اللَّهُ لَكَ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِكَ وَمَا تَأَخَّرَ قَالَ « أَفَلَا أُحِبُّ أَنْ أَكُونَ عَبْدًا شَكُورًا فَلَمَّا كَثُرَ لَحْمُهُ صَلَّى جَالِسًا فَإِذَا أَرَادَ أَنْ يَرْكَعَ قَامَ، فَقَرَأَ ثُمَّ رَكَعَ

Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам икки оёқлари ёрилиб кетгунгача қиёмуллайл намозини ўқирдилар. Оиша розиёллоҳу анҳо нима учун бундай қиласиз? Эй Росулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ахир Оллоҳ ўтмиш ва келажак гуноҳларингизни мағфират қилганку! дедилар.

Шунда у зот айтдиларки: шукр қилгувчи банда бўлмайманми? Оиша айтадилар: Росулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам гўштор бўлиб, вазминлашиб қолганларида ўтириб ўқийдиган бўлиб қолдилар, агар рукуъ қилмоқчи бўлсалар, ўрниларидан турардилар ва қироат қилиб, сўнг рукуъга борардилар.

Имоми Муслим ҳам худди шу ҳадисларни “саҳиҳ”ларида ривоят қилганлар.

Манашундай гуноҳлари мағфират қилинган зот қулчилик мақомининг энг чўққисида бўлиб ўзларини ибодатга боғлаб, буни кам санар эдилар.

Умуман олганда Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг қалблари доимо Оллоҳ рози бўладиган ишларга боғлиқ ва охират учун фойдасиз нарсалардан фориғ ҳолда бўларди. Дарвоқеъ у зот Роббим менга маккадага батҳони (яъни катта водий) сенга тилло билан тўлдириб берайми? деди. Мен йўқ, эй Роббим мен сендан маскана ҳаётни (бир кун оч бир кун тўқ яшаш) сўрайман дедим, тоинки камбағалларни унитиб қўймай деб хабар қилганлар.

Пайғамбарлар бирлари камбағал, бирлари бой бадавлат, бирлари ўрта ҳол эдилар, Сулаймон алайҳи салом Оллоҳ таолодан жуда катта бойлик сўраган эдиларки, ҳатто мандан кейингиларга бундай бойлик бермагин деган эдилар. Шунинг учун бойлик ҳаётини ёки камбағаллик ҳаётини ихтиёр қилиш ҳар бир шахснинг ўз хоҳишидир ва кимга бойлик манфаатли, кимга зарарли, камбағаллик ҳам кимга фойдали ва кимга фойдасиз, буни ҳақ таолонинг ўзи яхши билиб, ҳоҳлаган бандасига бойликни, бандаси эмас, балки ўзи ҳоҳлаганича беради, ҳоҳлаганига камбағалликни тақдир қилади, имтиҳон учун.

Ундай бўлса зоҳидлик яъни дунёдан юз ўгиришдан бўлган мурод нима? Буни бир ўтмиш уламолардан бири, талабаларга қилган тавсиясини келтирсак, ёрқинлашса керак деб ўйлаймиз! Талабалардан иборат бўлган бир жамоат, машҳур устозлардан бирини зиёрат қилиб, ундан зоҳидлик ҳақида таълим олмоқчи бўладилар, шунда у олим шошманглар! мен зоҳид одам эмасман фалончига боринглар, у дунёдан зоҳид дейди. Талабалар у тавсия қилган кишига борадилар, қарасалар у одам бир бой бадавлат киши экан. Шунда улар биз адашиб бошқа кишиникига келиб қолибмиз шекилли, биз ахтарган киши бу бўлмаса керак деб ўйлаб, яъна аввалги олимга қайтиб келадиларда, унга бўлган воқеани сўзлаб бериб, сиз бизни бир дунёпараст кишига жўнатибсиз дейдилар. Шунда бу олим йўқ эй биродарларим, у мендан кўра зоҳиддир, чунки у, унда сизлар кўрган бойликнинг ҳаммасидан маҳрум бўлиб қолса, асло парво қилмайди, менда сизлар кўриб тургандек таҳоратим учун битта оби дастам бор холос, агар шу анжомим йўқолиб қолса, жазавага тушаман дейди.

Демак зоҳидлик камбағалликда эмас, балки қалблардан дунёнинг муҳаббати чиқиб кетиб инсон молу дунё учун қул бўлмаслигидадир, шунинг учун Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ҳалок бўлсин дирҳам қуллари, ҳалок бўлсин динор қуллари, ҳалок бўлсин бахмал қуллари, деб арзимас дунёга кўнгил қўйиб уни охират ҳаётига алмашлаганларга афсусланиб, улар ҳолига ачинган эдилар.

Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам ҳар қанча имкониятлари кенг бўлганига қарамасдан дунёга берилмас (зоҳидлик қилар) эдилар. Қўлларига бирор нарса тушиб қолса ўзлари ва оилаларини учун ҳеч нарса олиб қолмасдан ўша ҳолича Оллоҳнинг бандаларига эҳсон қилиб юборар эдилар. У зотнинг зоҳидликларини сифатлаган одамлар “дунёдаги энг зоҳид одам” дейишар эди. (Аҳмад: 17773)

Хуллас, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг зоҳидликларини санаб адоғига етиш мумкин эмас. Шундай бўлса ҳам бу ерда баъзиларини келтириб ўтамиз, саҳиҳи Бухорийда келишича: Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳга дуо қилиб: “эй, Илоҳим! Муҳаммад авлодини “қувт” билан ризқлантиргил!” дедилар. (Бухорий: 6460)

Муслимнинг “саҳиҳ”ларида ҳам ривоят қилинишича : “эй, Илоҳим! Муҳаммад авлодини “кафоф” билан ризқлантиргил!” деганлар. Бунинг маъноси бир кунга етар озуқа бергил, яъни кунма-кун бўлсин, чунки дунёни кўпи одамни ибодатдан машғул қилиши, ози ҳам инсонни ибодатдан қолдириши мумкин. (Муслим: 1055)

Яъна Имом Муслимнинг “саҳиҳ”ларида Пағамбар саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг очликдан букилиб қолганликлари ҳақида Умар розияллоҳу анҳу айтадилар: “Мен Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг ейишга бир дона хурмо қоқисини ҳам топа олмасдан кун бўйи очликдан эгилиб юрганликларини кўрганман” (*Муслим: 2978*)

Оила аъзолари билан биргаликда уч кун қаторасига буғдой унига тўймаганликлари ҳақида Оиша онамиз айтадилар: “Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам (охират) сафарига ўтиб кетгунларича уч кун қаторасига буғдой унини тўйиб емадилар” (*Муслим: 2970*)

Яна бир бухорийнинг ривоятларида: “Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг оилалари уч кун қаторасига буғдой унини тўйиб емадилар” дейилади. (*Бухорий: 5438*)

У зотнинг қалблари фақат охиратга боғлиқ эканлигига Арафотдаги “эй Илоҳим! Яхшилик–бу охират яхшилигидир” деган сўзларида янада яққолроқ намоён бўлади. Бу сўзлари яна бир ривоятда “лаббай, Сенга (илоҳим!) ҳаёт – бу охират ҳаётидир” деб ҳам келади.

Ибн можжанинг “сунан”ларидаги ривоятларига кўра: Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳажга минган туяларига эски эгар урилган ва баҳоси тўрт дирҳамга арзиган ё арзимаган духоба жабдуқ ёпилган эди. (*Ибн Можжа: 2890*)

Ибнул қаййим айтадилар: “Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳажлари эгар узра бўларди. Тахтиравонда ҳам, ҳавдаж (туянинг устига ўрнатиладиган кажава) да ҳам бўлмас эди. (“Зодул маъод”)

Абу Довуд “сунан”ларида ривоят қилишларича: Ибн Умар розияллоҳу анҳу бир неча йиллардан кейин, ёнларидан эгарлари ошланган теридан, нўхталари жундан ўрилган туяларни минган яманлик йўловчилар ўтиб қолганда, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳолатларини эслаб: “кимда – ким ҳажжатул вадоеъга келган Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ва саҳобаларига ўхшаган йўловчиларни кўргиси келса мана буларга қарасин” деган эдилар. (*Абу Довуд: 4144*)

Юк ортгани махсус туяси бўлмай, юкларини, минган туяларига ортиб юрганлари ҳақида Сумома розияллоҳу анҳу айтадилар: “Анас розияллоҳу анҳу қўлида бор одам бўлсада бир туяда ҳаж қилди. У айтдики, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ҳам бир туя минган бўлиб, у юк юкланган туялари эди” бу ҳадисни имом бухорий “саҳиҳ”ларида ривоят қилганлар. (*Бухорий: 1517*)

Яна имом Бухорий “саҳиҳ”ларида ривоят қилишларича: Росулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам Туяларига саҳобаларини –Оллоҳ улардан рози бўлсин–мингаштирган эдилар. Арафотдан Муздалифага жўнаганларида туяларига Усома ибн Зайдни, Муздалифадан Минога жўнаганларида эса Фазл ибн Аббосни мингаштириб олган эдилар. Бу у зотнинг нақадар тавазули эканликларига далолат қилади. *(Бухорий: 1544)*

Одамлардан имтиёзланмай, ҳамма қатори юрардилар.

“Саҳиҳул Бухорийда” келган бир ҳадисда айтиладики: “сиқоятчиларга келиб сув сўрадилар. Шунда Аббос: “эй, Фазл! югур, онанга бориб Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламга сув келтириб бер!” дедилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам эса (сиқоятчига қараб) “сувдан қуй” дедилар. (Аббос) айтди: “ё, Расулulloҳ! Бу сувга одамлар қўлларини солиб юборишган!” Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам яна “сувдан қуй” дедилар ва ўша сувдан ичдилар *(1236 – ҳадис)*

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятларида келишича: Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам Қалбларида дунёнинг муҳаббати бўлмаган зот, ҳажда Юзта туяни қурбонлик қилиб, Кўп садақа қилар ва одамларни таомлантирар эдилар. Тарвия куни ўзларининг муборак қўллари билан етти туяни наҳр қилиб, гўштини, терисини ва жабдуқларини мискинларга тарқатиб беришни Али розияллоҳу анҳуга буюрдилар.*(Бухорий: 1551 ва Муслим: 1317) (“Наҳр” катта жониворларни тик турган ҳолида сўйиш. Таржимон)*

Гоҳо садақаларни одамларга ўз қўллари билан тақсимлаб берардилар.

қурбонлик сўйиладиган куни бир тўда қўйни тақсимлашга киришдилар. Шунда олдиларига икки киши келиб, ундан (беришлигини) сўради. Уларга назарларини кўтариб қараб, икки бақувват йигитни кўрдилар ва: “ҳоҳласангиз бераман. Лекин, бунда бойларнинг ва касби – кори бор бақувват одамларнинг насибаси йўқ” дедилар” Бу ҳадисни Абу Довуд “сунан”ларида ривоят қилганлар.*(Абу Довуд: 1633)*

Муслим ривоят қилдилар: Росулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам агар таомлансалар камтарона овқатланар эдилар. ҳажжатул вадодо қурбонликларини сўйган вақтларида Савбон розияллоҳу анҳуга қараб: “мана бу гўштни созлаб бер” дедилар. Савбон айтади: “гўштни созлаб бердим. То Мадинага етгунларича ана шу гўштдан еб кетдилар”. Яъни гўштни тузлаб қуритиб олиб мадинага етиб келгунча анашу қуритилган гўштдан еб келган эдилар. *(Муслим: 1975)*

Биродарим! Агар қалбингиз уйғоқ бўлса, дунё ва унинг зийнатларидан тақво қилинг! Дунёга қул бўлиб қолишдан эҳтиёт бўлинг! Чунки, у ўткинчи ва хорлик уйидир. У Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек “уйсизнинг уйи, молсизнинг молидир. Уни ақлсиз одамларгина жамлайди” (Аҳмад. “Муснад”: 24464)

Агар бу дунё ризо ҳовлиси бўлганида, Оллоҳ субҳанаҳу ва таъоло уни Ўз авлиёларига, халқи орасидаги соф одамларга раво кўриб, кофирга бермаган бўларди. Дунё фитнасидан эҳтиёт бўлинг. Албатта у ботил нарадир!

Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаж мавсуми асносида Роббилари билан бўлган аҳволларининг нурафшон саҳифаларидан баъзилари мана шулардан иборат. Сиз у саҳифаларда Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Яратувчиси ва ҳожасига, вазифалари кўп, масъулиятлари оғир бўлишига қарамай қандай ҳокисорлик изҳор қилганликларини ва қандай бўйинсинганликларини кўрдингиз. Сиз ҳам ҳозир ҳаж мавсуми олдида, Роббингиз ҳузурида турибсиз.

Ибн Можжа “сунан”ларида ривоят қиладилар: Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “ҳар бир одам боласи хато қилгувчи, хато қилгувчиларнинг энг яхшиси тавба қилгувчиЛАРИ деган эдилар. (Ибн Можжа: 4251)

Агар сиз Оллоҳнинг фармонларига енгил қарасангиз, итоатига бепарво бўлсангиз, ҳадларига тажовуз қилсангиз сўзсиз хатога гирифтор бўласиз! Магар, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларига иқтидо қилиб, яхшилар сафида бўлсангиз, Оллоҳга қулчилигингизни чиройли сувратда изҳор қилишга тиришсангиз ва Унга гуноҳкор бўлишдан қочиб, ризосига интилсангиз, у ҳолда Оллоҳга тақарруб (яқинлик) ҳосил қилиб, муҳаббатига сазовор бўласиз ҳамда доимий ҳифзу – ҳимояси остига кирасиз.

Зеро, У Буюк Зот Ўзининг муқаддас сўзларида (ҳадиси қудсийда) мана бундай дегандир: “Бандам Менга Мен фарз қилган ибодатлардан кўра сеvimлироқ нарса билан яқинлик ҳосил қила олмайди. Агар бандам Менга нафл ибодатлар билан тақарруб (яқинлик) қила берса, Мен уни севиб қолгайман. Агар Мен уни севиб қолсам, унинг ҳушёр қулоғи, кўрар кўзи, ушлар қўли ва юрар оёғи бўлгайман! Агар Мендан бир нарса сўраса –албатта бергайман ва агар Мендан паноҳ истаса Ўз паноҳимга олгайман!”

Оллоҳ таоло барчаларимизни ўз паноҳига олсин!

وآخر دعوانا أن الحمد لله رب العالمين